

## ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Файзиева Нозима Гуломовна**

*ZARMED universiteti Buxoro kampusi "Terapevtik fanlar" kafedrasida o'qituvchisi*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада таълимнинг бугунги вазифаси талабаларни ахборот–таълим муҳити шароитида мустақил фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Таълим жараёнини технологиялаштириш, аниқ вазифаларни қўйган ҳолда, дарс машғулотларининг усул ва воситаларини тўғри танлаш орқали шахснинг интеллектуал салоҳияти ва ижодий қобилиятини ривожлантириш, жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг билим ва малакасини ошириш, тезкор таълим учун шарт-шароит яратиш мумкин.*

**Калит сўзлар:** *Кадрлар тайёрлаш «Миллий дастур»и, «Таълим тўғрисидаги» қонун, ўқитиш усуллари ва техникаси, ўқитишни ташкил этиш шакллари, ўқитиш воситалари, интерфаол ўйинлар, ақлий ҳужум*

## ПРИМЕНЕНИЕ ПЕРЕДОВЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ ЭНДОКРИНОЛОГИИ

**Файзиева Нозима Гуломовна**

**Аннотация:** *В данной статье рассматривается современная задача образования – научить студентов самостоятельно работать в информационно-образовательной среде, рационально использовать информационный поток. Технологизация образовательного процесса, постановка конкретных задач и правильный выбор методов и средств обучения позволяют развивать интеллектуальный потенциал и творческие способности человека, повышать знания и навыки каждого гражданина общества и создавать условия для ускоренного обучения.*

**Ключевые слова:** *«Национальная программа» повышения квалификации кадров, «Закон об образовании», методика и техника преподавания, формы организации обучения, учебные пособия, интерактивные игры, мозговой штурм*

## THE USE OF ADVANCED PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN TEACHING ENDOCRINOLOGY

**Fayzieva Nozima Gulomovna**

**Abstract:** *In this article, the current task of education is to teach students to work independently in the information-educational environment, to use the information flow rationally. By technologizing the educational process, setting specific tasks, and correctly*

*selecting methods and means of teaching, it is possible to develop the intellectual potential and creative abilities of a person, increase the knowledge and skills of every citizen in society, and create conditions for accelerated learning.*

**Key words:** "National Program" of staff training, "Law on Education", teaching methods and techniques, forms of teaching organization, teaching tools, interactive games, brainstorming

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт соҳасини модернизация қилиш, жаҳон стандартларига мос ҳолда ривожлантириш ва янги ташкилий тузилмаларни шакллантириш билан боғлиқ ўзгаришларга мос равишда тиббиёт соҳалари учун мутахассис кадрларни янги талаблар ва услублар асосида тайёрлаш, уларга замонавий билимларни бериш долзарб масалаларни асослаб беради. Шундай экан, Ўзбекистон ёш, ривожланаётган мамлакатлар ичида биринчилардан бўлиб таълим тизимини ислоҳ қилишга киришди ва Республикамизда кадрлар тайёрлаш «Миллий дастур»и ва «Таълим тўғрисидаги» қонунлар қабул қилинди. Бу соҳада, яъни кадрлар тайёрлаш ва таълим самарадорлигини оширишда бир қатор лойиҳалар, тиббий таълим ислоҳотлари амалга оширилмоқда.

Таълимнинг бугунги вазифаси талабаларни ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Таълим жараёнини технологиялаштириш, аниқ вазифаларни қўйган ҳолда, дарс машғулотларининг усул ва воситаларини тўғри танлаш орқали шахсининг интеллектуал салоҳияти ва ижодий қобилиятини ривожлантириш, жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг билим ва малакасини ошириш, тезкор таълим учун шарт-шароит яратиш мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, «Биокимё» фанининг мақсади, структураси, мазмуни ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўқув режасида белгиланган вақт ва берилган шароитларда мазкур фан бўйича давлат таълим стандарти асосида қўйилган мақсадларга эришишни таъминловчи ахборот ва бошқарув, ўқитиш усул ва воситалари танлаб олинди:

- ўқитиш усуллари ва техникаси: дискуссия, кейс-стади, муамоли усул, ўқитув ўйинлари, «ақлий хужум», Инсерт, «Биргаликда ўқиймиз», Пинборд, маъруза (эксперт таклиф қилиб, конференция, кириш, мавзуй, визуализация, муайян вазият таҳлили билан, якуний);

- ўқитишни ташкил этиш шакллари: фронтал ўқитиш билан бир пайтда диалог ва полилог, мулоқот, ҳамкорлик ва биргаликда ўқишга асосланган жамоави ва гуруҳ бўлиб ўқитиш;

- ўқитиш воситалари: анъанавий ўқитиш воситалари (дарслик, маърузалар матни, таянч конспект, кодоскоп) билан бирга график органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари;

- Коммуникация усуллари: тезкор қайтувчан алоқа асосида талабалар билан бевосита алоқа;

- Қайтар алоқаларнинг (маълумотнинг) усул ва воситалари: кузатув, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси;
- Бошқарув усуллари ва воситалари: ўқув машғулотларини ўқув машғулоти босқичлари, ўқитувчи ва таълим олувчининг қўйилган мақсадларга эришиш бўйича биргаликда ҳаракатларини белгилаб берувчи технологик карталар кўринишида режалаштириш, нафақат аудитория ишлари, балки мустақил ишларни ҳам назорат (жорий, оралиқ, якуний) қилиш;
- Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулоти жараёнида (ўқув вазифалари ва тестларнинг бажарилишини баҳолаш, ҳар бир ўқув машғулотида таълим олувчининг фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш) бўлгани каби, бутун курс давомида ўқитиш натижаларини режа асосида кузатиб бориш (рейтинг баҳолари асосида ҳар бир таълим олувчининг жорий, оралиқ ва якуний натижаларини баҳолаш).

Эндокринология фанидан “Қандли диабетнинг ўткир асоратларида шошилиш ёрдам асослари. Замонавий маҳаллий тавсиялар.” мавзусидаги амалий машғулот дарсини ўтказишда « Ақлий ҳужум » ўқитиш усулидан фойдаланиш мумкин.

Ақлий ҳужум методидан ҳам лекция, ҳам амалий дарсларда фойдаланиш қулай. Бу метод бир зумда аудиториядаги барча ўқувчи-талабаларни қамраб олиб уларни актив ҳолатга келтиради.

Яхлит мавзу, унинг бир қисми ёки танлаб олинган муаммо юзасидан талабаларга бериладиган саволлар мажмуаси ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган бўлиши ишда яхши натижа беради.

Ақлий ҳужум методи қўйилган муаммо ечимига боғлиқ равишда 5-10 дақиқа давом этиши мумкин. Бунда талабаларнинг бераётган жавобларига на ўқитувчининг ва на бошқаларнинг аралашуви, ҳар қандай фикр билдиришларига йўл қўйилмайди ва натижалар баҳоланмайди, баллар қўйилмайди. Бу қоида кўпинча ўқитувчи томонидан автоматик тарзда бузилади, яъни талаба билдирган нотўғри фикрга тезда ўз муносабатини билдириб тўғрилайди.

Бу вазият талабаларни фикрлашдан тўхтатади, дарсда фойдаланилаётган ақлий ҳужум методига путур етказилади. Мақсад: нотўғри бўлсада талабанинг ўз фикрини билдиришига эришишдан иборат. Ўқитувчи умумлаштиришдан сўнг билдирилган фикрларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳар бир талабага маълум бўлади.

Талабаларнинг фикр юритишлари ўқитувчи томонидан тўғри йўлга солиб турилади ва рағбатлантирилиб борилади. Вақти-вақти билан фикрлар умумлаштириб турилади.

Муаммонинг ечими бўйича фикрлар шакланниб бўлгач у охири марта умумлаштирилади ва аниқ фикрга келинади. Шундан кейин талабалар ўзларининг таклифларини ўзлари солиштириб, тўғри ва хато фикрларини англаб етишадилар

ва ўзларини ўзлари баҳолойдилар. Аммо ўқитувчининг уларга баҳо ёки танбеҳ беришига йўл қўйилмайди.

Сценарий: Ўртага битта мавзу ташланади. Талабалар шу мавзу бўйича ўз фикрларини билдирадилар. Котиба тайинланади. Ўхшаш фикрлар бирлаштирилади. 5-7 дақиқа вақт берилади. Охирида энг қизиқарли фикрлар алоҳида ажратилади ва баҳоланади. Ёмон қониқарсиз фикрга баҳога берилмайди. Ушбу усул талаба нутқи, фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Масалан

« Ақлий ҳужум » иш ўйинини ўтказишда талабаларга бериладиган саволлар

1.Қандли диабетнинг 1 турининг молекуляр сабаблари ва клиник курунишларини айтиш.

2.Қандли диабет 1 тур касаллигида беморларда қандай дори воситаларини қўллаш мумкин ?

3.Қандли диабет 2 тур беморларни ADA/EASD алгоритмлари ва стандартлари бўйича қандай ҳавф гуруҳларига ажратиш ва шу аснода даво режасини тузиш мумкин?

4. Қандли диабет 2 тур беморларига замонавий тавсияларга кўра қандай дори воситаларни танлаш мумкин.

5.Гестацион диабет ва ҳомиладорлик пайтида пайдо бўлган қандли диабетни ташхисланг ва даволанг.

6.Қандли диабетнинг асорати – сурункали буйрак каслиги бор беморларни қандай замонавий дори воситалари билан даволаш мумкин?

7.Қандли диабет асорати – диабетик полинейропатияни Халқаро Диабет Фонди (IDF) нинг янгиланган стандартлари асосида қандай ташхислаш усуллари ва даволаш мезонларини амалиётга тадбиқ этилмоқда.

8.Қандли диабет билан оғриган беморларда кома ҳолатига тушганда қандай ёрдам кўрсатилади?

Хулоса қилганда, таълимдаги интерфаол ўйинлар талабаларнинг дарсдаги фаоллигини таъминлайди. Янги илмий назарий билимларни бера олмасда аммо талабаларнинг дарсдаги қизиқишини, билим олиш жараёнини, фикрлаш қобилиятини, тахлил қилиш ва умумлаштиришга ўргатади, уларнинг қобилият ва иқтидорини, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиради, мустақил фикрлашга ўргатади.

Интерфаол ўйинлар таълим самарадорлигини ошириш гарови. Интерфаол усулнинг энг муҳим жиҳати шундаки, у талабаларни фаоллаштиради, суст ўзлаштирувчи талабаларни ҳам ҳаракатлантиради, тахлил қилиш, хулоса чиқаришга ўргатади. Уларда кўнгилдагини айтиш жасоратини уйғотишга, ижодий имкониятларини намоён қила билишга ўргатади.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Исмаилов С.И. Йододефицитные состояния в Узбекистане. Руководство. 2016г.
2. Клинические рекомендации по лечению сахарного диабета 2 типа. Ташкент, 2019 г.
3. Клиническое руководство по эндокринологии. Учеб. пособие / под ред. С. И. Исмаилова. Ташкент. 2018 г.
4. Международная федерация диабета: консенсус по профилактике сахарного диабета 2 типа. (<http://www.specialist.endocrincentr.ru/images/material-images/prof.pdf>)
5. Нейроэндокринология бўйича клиник тавсиялар. Тошкент. 2019 й.
6. Рахимова Г.Н. Национальные стандарты оказания помощи детям и подросткам, больным сахарным диабетом 1 типа. Руководство для врачей. Ташкент. 2018 г.
7. Рахимова Г.Н. Стандарты по ведению и лечению сахарного диабета 1 и 2 типа. Руководство для врачей. Ташкент. 2018 г.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, 1998.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
12. Алгоритмы специализированной медицинской помощи больным сахарным диабетом. И. И. Дедов, М. В. Шестакова тахр. 4-издание. Москва, 2017 г.
13. Дедов И.И. Шестакова М.В. Алгоритмы специализированной медицинской помощи больным сахарным диабетом. Москва. «ГеотарМедиа. 2011г. 14. Дедов И.И. Шестакова М.В. Сахарный диабет. Диагностика, лечение, профилактика. Москва «МИА», 2011 г.